



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2024

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-5>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Алоев Улугбек Махмудович ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ТУШУНИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	5
2. Юсупов Сардорбек Баходирович МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР.....	14
3. Abdullayev Jamshid Djamilovich FUQAROLIK SHARTNOMALAR TIZIMIDA TIBBIY SHARTNOMALARNING TABIATI...22	
4. Ачилова Лилия Илхомовна ОБЯЗАТЕЛЬСТВА ТУРИСТИЧЕСКОЙ КОМПАНИИ ПО ОКАЗАНИЮ ТУРИСТСКИХ УСЛУГ ЗА ПОТЕРЮ ОТДЫХА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ.....	39
5. Тошбоева Робия Собировна BIG DATA ТЕХНОЛОГИИ В ПРИРОДНОРЕСУРСНОЙ КАДАСТРОВОЙ СФЕРЕ: ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ.....	47
6. Fazilov Farkhod Maratovich GIFT-BASED MONEY LAUNDERING.....	57
7. Ortiqov Abror Nemat o'g'li ODAM O'G'IRLASHNING JINOIY-HUQUQIY TAHLILI VA KVALIFIKATSIYASI.....	66
8. Салаев Нодирбек Сапарбаевич СОВРЕМЕННАЯ ПЕНИТЕНЦИАРНАЯ ПОЛИТИКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА – ПРОБЛЕМЫ ПРЕОДОЛЕНИЯ ПЕРЕЖИТКОВ КОЛОНИЙСКОЙ СИСТЕМЫ И ПСИХОЛОГИИ ГУЛАГА.....	74
9. Мўйдинов Бобир Ботиржонович ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ.....	84
10. Бабаева Иродахон Эркинжон кизи ГЕНЕЗИС ПОНЯТИЯ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА КАК ЭЛЕМЕНТА МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА.....	92
11. Ибрагимова Сабина Эркиновна ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕАЛИЗАЦИИ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА И ГРАЖДАНИНА В СФЕРЕ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	101
12. Хамдамова Фируза Уразалиевна МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА: ЭВОЛЮЦИЯ И ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ.....	109




12.00.01-ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

Алоев Улугбек Махмудович,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: umiulugbek@gmail.com

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ТУШУНИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

For citation: Alov Ulugbek Maxmudovich. ANALYSIS OF THEORETICAL APPROACHES TO UNDERSTANDING THE RULE OF LAW. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 5, pp. 5-13

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.11419591>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқий давлат тушунчасини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати асослантилган. Шу билан бирга, турли даврларда олимлар томонидан ҳуқуқий давлат тушунчасига берилган илмий ва назарий ёндошувлар атрофлича таҳлил қилинган. Бунда ҳуқуқий давлат тушунчасининг пайдо бўлиши, ривожланишига оид ёндошувлар батафсил таҳлил қилинган. Ҳар бир назарий ёндошувдаги ҳуқуқий давлат тушунчаси билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар назарий жиҳатдан кўриб чиқилган. Ҳуқуқий давлатга оид назарий ёндошувларни тадқиқ қилишда миллий олимларнинг асарларидан ҳам фойдаланилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий давлат, давлат ҳокимияти, Конституция, ҳокимиятлар бўлиниши, давлат органлари, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, мансабдор шахслар, ҳуқуқ ва б.

Алоев Улугбек Махмудович,
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: umiulugbek@gmail.com

АНАЛИЗ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ К ПОНИМАНИЮ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье обоснована необходимость проведения теоретического анализа понятия правового государства. Вместе с тем, проведен детальный анализ по научным и теоретическим подходам ученых к понятию правового государства. При этом проанализированы подходы к возникновению и развитию понятия правового государства. В статье теоретически рассмотрены особенности каждого подхода, связанного с понятием правового государства. Вместе с тем, при проведении исследования подходов к понятию правового государства использованы трудов национальных ученых.

Ключевые слова: правовое государство, государственная власть, Конституция, разделения властей, государственные органы, приоритет закона, права и свобода человека, должностное лицо, права и др.

Aloev Ulugbek Maxmudovich,
 PhD in Law
 E-mail: umiulugbek@gmail.com

ANALYSIS OF THEORETICAL APPROACHES TO UNDERSTANDING THE RULE OF LAW

ANNOTATION

This article substantiates the need for a theoretical analysis of the concept of the rule of law. At the same time, a detailed analysis was carried out on the scientific and theoretical approaches of scientists to the concept of the rule of law. At the same time, approaches to the emergence and development of the concept of the rule of law are analyzed. The article theoretically reviews the features of each approach related to the concept of the rule of law. At the same time, when conducting a study of approaches to the concept of the rule of law, the works of national scientists were used.

Keywords: rule of law, state power, Constitution, separation of powers, government bodies, priority of law, human rights and freedom, official, rights, etc.

2023 йилнинг 30 апрелида умумхалқ референдуми йўли билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги мустаҳкамланди [1].

Ушбу норма орқали Ўзбекистон ўз халқи ва жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат куриш йўлидан боришини эълон қилди.

Аксарият хорижий давлатларнинг конституцияларини ўрганар эканмиз, уларда давлатга хос бўлган асосий жиҳатлар мустаҳкамланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хусусан, Польша Конституциясининг 2-моддасида Польша Республикаси ижтимоий адолат принципларини амалга оширувчи демократик ҳуқуқий давлат эканлиги белгиланган бўлса [2], Испания Асосий қонунининг 1.1-моддасида Испанияга ҳуқуқ-тартиботнинг олий кадриятлари ҳисобланган эркинлик, адолат, тенглик ва сиёсий плюрализм кадриятларини бирлаштирувчи ҳуқуқий, ижтимоий ва демократик давлат сифатида таъриф беради [3].

Хитой Халқ Республикаси Асосий қомусининг 1-моддасида Хитойнинг ижтимоий ва демократик давлат эканлиги мустаҳкамланган бўлса [4], Латвия Конституцияси 1-бўлимининг 1-бандида унинг мустақил демократик давлат эканлиги қайд этилган [5].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1992 йилнинг 9 декабрдаги таҳрирда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Асосий қомусининг 1-моддасида фақатгина Ўзбекистоннинг суверен демократик республика эканлиги қайд этиш билан чекланилган.

Ўз навбатида янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистонга нисбатан суверенликдан ташқари демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатларининг берилиши илмий жамоатчилик ва давлат органлари олдида кўплаб вазифаларни қўймоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистонга берилган тарифлар орасида ҳуқуқийлик белгиси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳуқуқий давлат эканлигини Конституция даражасида мустаҳкамлашга қандай зарурат бор эди деган ўринли савол туғилади.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда турли жабҳаларда ислохотлар шиддат билан амалга оширилмоқда. Бундай ислохотлар ҳар қандай ҳолатда ҳам амалдаги Конституция ва қонунларга мос бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, амалга оширилаётган турли ислохотлар шароитида Асосий Қомусимизда белгиланган бир қатор муҳим қоидаларга риоя этилишини таъминлаш долзарб вазифага

айланмоқда. Бунда Конституцияда белгиланган барчанинг қонун олдида тенглигига тўлақонли риоя этиш ана шундай устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, ислохотлар шароитида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада ошириш, ислохотлар натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг улар томонидан тўғри қўлланилишига эришиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат эканлигини Конституция даражасида мустаҳкамлаш зарурати Давлат раҳбари томонидан ташаббус кўрсатилганлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, 2022 йилнинг 20 июнь куни Президент Ш.Мирзиёев республика Конституциявий комиссияси аъзолари билан учрашувда ҳуқуқий давлат – демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат эканлиги алоҳида таъкидланиб, “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат” деган ғояни Конституцияда аниқ мустаҳкамлаб қўйиш тақлиф этилган [6].

Ўз навбатида “ҳуқуқий давлат” деганда қандай давлатни тушуниш лозим, унинг асосий белгилари нималардан иборат деган ўринли савол туғилади. Зеро, ушбу тушунчанинг назарий асосларини таҳлил қилмасдан, белгиларини аниқламасдан ёки мазмун-моҳиятини тўғри тушунмасдан ҳуқуқий давлатга хос бўлган асосий жиҳатларни аниқлаб бўлмайди.

Қайд этиш жоизки, “ҳуқуқий давлат” тушунчаси ҳақида илмий доираларда турлича ёндошувлар ва назарий қарашлар мавжуд. Умуман олганда ҳуқуқий давлат тушунчаси борасидаги қарашлар ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси борасидаги қарашлар Афлотун, Платон, Марк Туллий асарларида ҳам учрайди. Жумладан, Платон ўз асарида қайси жойда қонун ҳеч қандай кучга эга бўлмаса ва кимнингдир измида бўлса, ўша давлатнинг ҳалокати муқаррарлигини, ҳуқумдорлар устидан қонун ҳукмрон бўлган жойда давлатнинг қутқарилиши ва шу давлатга яратган томонидан барча бойликлар туҳфа қилинишини таъкидлайди [7].

Гувоҳ бўлганимиздек, Платон ўз қарашларида тўғридан-тўғри “ҳуқуқий давлат” атамасидан фойдаланмаган бўлсада, унга хос бўлган асосий жиҳатлар хусусида фикр юритган. Унинг наздида ҳуқуқий давлатнинг бутун мазмун-моҳияти фақатгина қонун устуворлигида намоён бўлади. Бунда қонунга ҳукмдорнинг ҳам сўзсиз буйсуниши лозимлигига алоҳида урғу қаратилади.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель ҳам ўз асарларида “ҳуқуқий давлат” атамасидан фойдаланмаган. Ўз қарашларида у ҳам давлатнинг мазмун-моҳиятини қонун устуворлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Аристотельнинг фикрича, қонун барчанинг шу жумладан, мансабдор шахсларнинг устидан ҳам ҳукмронлик қилиши керак. Халқ йиғини хусусий масалаларни муҳокама қилиши лозим [8].

Аристотель давлатни давсифлаганда қонун устуворлигига эътибор қаратиш билан бирга бундай давлатда халқ вакилларида ташкил топган йиғиннинг ролига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Гувоҳ бўлганимиздек, Платон ва Аристотельнинг ҳуқуқий давлат борасидаги қарашлари асосан қонун устуворлиги билан изоҳланади.

Яна бир қадимги Рим файласуфи Марк Туллий Цицерон давлатни умумий ҳуқуқ тартиботнинг таъминланганлиги, давлат раҳбари ҳуқуқ асосларига эга бўлиши лозим деган хулосага келади [9].

Бунда умумий ҳуқуқ тартибот деганда жамият барча аъзоларининг муайян қонунларга буйсунишини назарда тутмоқда. Зеро, қонун устуворлигига ўхшаш бундай ёндашувни Платон ва Аристотель қарашларида ҳам учратамиз.

Юқорида кўриб ўтаганимиздек, қадимги даврда яшаб ўтган файласуф олимларнинг асарларида “ҳуқуқий давлат” тушунчаси қўлланилмаган ва унга таъриф берилмаган бўлсада, бу борадаги умумий қарашлар шаклланган.

“Ҳуқуқий давлат” тушунчаси XVIII асрдан эътиборан илмий доиралар вакиллари томонидан кенг қўлланила бошланди.

Шу ўринда “хуқуқий давлат” атамаси илмий муомалага қайси олим томонидан киритилганлиги борасида адабиётларда турлича бир-бирига зид бўлган қарашлар учрашини таъкидлаш жоиз.

Айрим манбаларда “хуқуқий давлат” тушунчаси илк маротаба немис файласуфи И.Кант томонидан киритилган деган хулоса илгари сурилса [10], бошқа илмий адабиётларда мазкур тушунчани илк маротаба фанга немис тадқиқотчиси К.Велькер киритган [11], учинчи тоифадаги асарларда эса, ушбу тушунча илмий муомалага дастлабки марта Роберт фон Моль томонидан киритилган деган ғоя илгари сурилади [12].

Жумладан, немис файласуфи И.Кант томонидан илк маротаба илмий муомалага “хуқуқий давлат” тушунчаси киритилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. У ўз асарларида “хуқуқий давлат” тушунчасига кўплаб инсонларнинг хуқуқий қонунларга буйсунувчи бирлашмаси сифатида таъриф берар экан, аҳолининг умумий иродасини акс эттирувчи ҳуқуққа асосланган давлатни хуқуқий давлат сифатида эътироф этиш мумкин деган хулосани илгари суради [13].

И.Кантнинг “хуқуқий давлат”га берган юқоридаги таърифидан бундай давлатга хос бўлган қуйидаги уч жиҳатни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- хуқуқий давлат энг аввало инсонларнинг бирлашмаси эканлиги;
- аҳолининг умумий хоҳиш иродасини акс этган бўлиши лозимлиги;
- қонунларга барчанинг буйсуниши.

И.Кантнинг “хуқуқий давлат” ҳақидаги таълимоти кейинчалик бир қатор европалик олимлар, жумладан Р.Моль, К. Велькер, Г. Гнейст ва Ф. Шталь кабилар томонидан такомиллаштириб борилди.

Жумладан, немис профессори Р.Мольнинг фикрича, хуқуқий давлат деганда фуқароларнинг эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ҳуқуқлар ва дахлсизлиги ҳимоя қилинишини, ҳуқуқ тартиботни, юридик ёрдамни таъминловчи, давлат ҳокимияти устидан тийиб туриш ва назоратни йўлга қўйган тузилма тушунилади [14].

Яна бир немис олими К. Велькер хуқуқий давлат тушунчасига олий ахлоқий тартиботни қўллаб-қувватловчи ва нафақат жамият фаровонлиги, балки алоҳида шахснинг индивидуал эркинлиги ҳимояси учун фаолият юритувчи куч сифатида таъриф беради [15].

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, Р.Моль ва К. Велькерлар томонидан “хуқуқий давлат” тушунчасига берилган таърифларда изоҳлар кенгайиб борган. Бунда асосий эътибор хуқуқий давлатга нисбатан қўйилаётган талабларни кенгайтириш орқали давлатни зиммасига кўплаб мажбуриятлар юклашга қаратилган.

Хусусан, юқорида келтирилган Р.Мольнинг хуқуқий давлат тушунчасига таърифда ҳар қандай қонун устуворлигини таъминлайдиган тузилмага эмас, балки айнан фуқароларнинг эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ҳуқуқлар ва дахлсизлиги ҳимоя қилинишини, юридик ёрдам ва бошқаларни таъминлайдиган давлатгина хуқуқий давлат бўла олиши таъкидланмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, XX асрдан кейинги даврда ҳам олимлар томонидан “хуқуқий давлат” тушунчасига таъриф беришда давлат олдида қўйиладиган талаблар доирасини кенгайтириш анъанаси давом этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

XX асрдан кейин турли омиллар таъсирида хуқуқий давлатнинг моҳиятини тушунишга бўлган ёндашувлар янада ривожланиб борди. Бунинг натижасида эса, олимлар томонидан “хуқуқий давлат” тушунчасига берилган назарий таърифлар ҳам ўзгариб борганлигига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, академик В.С. Нерсеяннинг фикрича, хуқуқий давлат давлатнинг алоҳида тури бўлиб, унда конституциявий бошқарув режими амал қилади, ривожланган ва бир-бирига зид бўлмаган ҳуқуқ тизими ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлик ва бир-бирини тийиб туришга асосланган ҳаққоний ҳокимиятлар бўлинишига асосланган самарали суд ҳокимияти, шунингдек сиёсат ва ҳокимиятни назорат қилувчи ривожланган ижтимоий назорат мавжуд бўлади [16].

Академик В.С.Нерсисяннинг ҳуқуқий давлат тушунчасига берган таърифини таҳлил қилар эканмиз унда ҳуқуқий давлатга хос бўлган жиҳатлар сифатида ривожланган ва ўзаро зид бўлмаган ҳуқуқ тизимининг мавжуд бўлиши, самарали суд ҳокимиятининг фаолият юритиши, ижтимоий назорат тизимига эга бўлиш кабилар келтирилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу олим томонидан “ҳуқуқий давлат” тушунчасига берилган таърифда юқорида берилган дастлабки таърифлардан фарқли ўлароқ қонунларга амал қилиниши ҳақидаги жиҳат кўрсатиб ўтилмаган.

Қолаверса, академик В.С.Нерсисян томонидан ҳуқуқий давлатга юқорида берилган таърифдаги айрим жиҳатларни баҳолаш ҳам баҳсли бўлиб ҳисобланади. Жумладан, ушбу олим самарали суд ҳокимиятининг фаолият юритиши ҳуқуқий давлатга хос бўлган белгилардан бири сифатида таъкидлаб ўтади. Бироқ, суд ҳокимияти фаолиятининг самарадорлигига қандай баҳо берилиши, қайси кўрсаткичлар асосида унинг самарадорлиги аниқланиши ҳуқуқ назариясида ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам баҳсли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Яна бир ҳуқуқшунос олим профессор А.В. Малько классик таърифларга асосланган ҳолда ҳуқуқий давлат тушунчасига ҳуқуққа асосланган, у билан чекланадиган ва ҳуқуқ орқали амалга ошириладиган давлат тури сифатида таъриф бериш билан чекланади [17].

Беларуслик ҳуқуқшунос олим М.И. Пастухов, ҳуқуқий давлатга Конституция ва қонунларнинг устунлиги, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг эътироф этилиши ҳамда риоя этилиши каби жиҳатлар билан ифодаланадиган давлатчиликнинг янги тури сифатида таъриф беради [18].

М.И.Пастухов томонидан ҳуқуқий давлат бўйича юқорида келтирилган таърифдаги давлатчиликнинг янги тури эканлиги ҳақидаги қараш билан келишиб бўлмайди.

Зеро, бир тарафдан ҳуқуқий давлат ҳақидаги дастлабки қарашлар қадимги даврлардаёқ пайдо бўлган ва XIX асрга келиб, бу борадаги ёндашувлар ривожланганлиги, илмий муомалага “ҳуқуқий давлат” тушунчаси кириб келганлигини инобатга оладиган бўлсак биз давлатнинг бундай турини янги деб айта олмаймиз.

Қолаверса, илк ҳуқуқий давлатнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумот тарихий манбаларда ҳам мавжуд бўлмаган бўлсада, бу ҳақдаги назарий қарашлар ривожланганлигини ҳам бизга ҳуқуқий давлатнинг яқинда пайдо бўлган янги институт деган хулосага келишимизга имкон бермайди.

Ҳуқуқий давлат тушунчасига берилган таърифлар орасида профессор В.Е.Чиркиннинг ёндашуви ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича, ҳуқуқий давлат деганда жамият, давлат, меҳнат жамоаси ва шахснинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро жавобгарлиги тушунилади [19].

Бизнингча, юқоридаги таърифда ҳуқуқий давлатнинг моҳияти тўлиқ очиқ берилмаган. Бунда муайян субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилаган билан ҳар қандай давлат ҳам ҳуқуқий давлатга айланиб қолмаслигига эътибор қаратиш жоиз. Айнан санаб ўтилган субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги қайси мезонлар ёки устувор қоидаларга асосланиб белгиланиши, улар кимнинг манфаатига хизмат қилиши, амалиётда қанчалик риоя этилиши билан боғлиқ масалалар мавҳумлигича қолмоқда.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий давлат тушунчаси борасида бошқа ёндашувларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, айрим ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий давлатни барча давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши ҳуқуққа асосланадиган ва у билан боғлиқ бўлган демократик давлат сифатида таърифлайдилар [20].

Фикримизча, фақатгина давлат органларини ташкил этилиши ва фаолият юритиши ҳуқуққа асосланадиган давлатга ҳуқуқий давлат сифатида таъриф бериш ҳуқуқий давлат борасидаги янглиш тасаввурга олиб келади. Зеро, ҳуқуқий давлатни биргина давлат ораганларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишига қараб баҳолаб бўлмайди.

Қолаверса, юқорида келтирилган таърифда давлат органларини ташкил этиш ва фаолият юритиши ҳуқуққа асосланиши деганда қонун ёки қонуности ҳужжати назарда тутилаётганлиги ҳам мавҳумлигича қолмоқда.

Яна бир ҳуқуқшунос олим В.А.Виноградов ҳуқуқий давлатга расман ва моддий жиҳатдан конституцияга мувофиқ бўлган конституция ва қонунлар асосида давлат ҳокимиятини амалга оширувчи, инсон, унинг эркинлиги, адолат ва юридик хавфсизликни ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи, шунингдек, тегишли судда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳуқуқий ҳужжатлар ёки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан низолашишнинг юридик имкониятини кафолатловчи давлат сифатида таърифлайди.

Ҳуқуқшунос олима О. В. Самсонова эса, юқорида келтириб ўтилган олимлардан фарқли равишда ҳуқуқий давлатни инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини нисбатан тўлиқ таъминлаш, шунингдек суистеъмолчиликларга йўл қўймаслик мақсадида давлат ҳокимиятини ҳуқуқ билан босқичма-босқич боғлаш учун шароит яратувчи оммавий ҳокимият ташкилоти сифатида изоҳлайди [21].

Ҳуқуқий давлат борасида тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Е. Шмидт-Асман формал маънода ҳуқуқий давлат деганда ҳокимиятлар бўлиниши, судлар мустақиллиги, бошқарувнинг қонунийлиги, давлат ҳокимияти томонидан фуқаролар ҳуқуқлари бузилишини ҳимоя қилиш ва оммавий муассаса томонидан етказилган зарарни қоплаш каби хусусиятларни эътироф этувчи давлат тушунилишини таъкидлайди [22].

Лекин, Е. Шмидт-Асман ўз тадқиқотида юқорида санаб ўтилган хусусиятлар билан ҳуқуқий давлат ўртасида қандай боғлиқлик борлигига, қайси мезонлар асосида қайд этилган хусусиятларга фақат ҳуқуқий давлатга хос деб ҳисобланиши каби масалаларга аниқлик киритмайди. Айнан шу нуқтаи-назардан ҳам мазкур олимнинг ҳуқуқий давлат тушунчасига берган таърифи баҳсли ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим К.С. Гаджиевнинг фикрича, ҳуқуқий давлат ҳақидаги тасаввурларни куйидаги икки асосий принциплар бирлаштириб туради: давлатда тартибнинг мавжуд бўлиши ва фуқароларнинг ҳимоясининг таъминланганлиги [23].

Бунда К.С. Гаджиев томонидан илгари сурилган принциплар орқали ҳам ҳуқуқий давлат тушунчасини шакллантириш баҳсли ҳисобланади. Чунончи, бир томондан ушбу олим томонидан таъкидланаётган тартибнинг мавжуд бўлиши ва фуқаролар ҳимоясининг таъминланганлиги принциплар ҳам нисбий категориялар ҳисобланса, иккинчи томондан қандай тартибнинг мавжуд бўлиши ҳамда фуқароларнинг қайси соҳада ҳимояси таъминланганлигига ҳам аниқлик киритилмаган. Айнан санаб ўтилган омилларга кўра К.С. Гаджиев томонидан илгари сурилган ҳуқуқий давлат борасидаги таъриф ҳам баҳсли бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси борасида миллий ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан берилган назарий тарифлар ҳам ўзининг хилма-хиллиги, ҳуқуқий давлатни тушуниш борасидаги турлича ёндошувга эгаллиги билан бир-биридан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, айрим миллий ҳуқуқшунос олимлар “ҳуқуқий давлат” тушунчаси билан “ҳозирги замон ҳуқуқий давлати” тушунчаларини бир-биридан фарқлайдилар.

Бунда “ҳуқуқий давлат” тушунчасига фуқаролик жамиятининг сиёсий шакли бўлиб, жамият ҳаётида демократик институтларнинг ривож топиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши билан тавсифланадиган, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини устувор таъминлайдиган давлат сифатида таъриф берсалар, “ҳозирги замон ҳуқуқий давлати” атамасига аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳокимиятни амалга оширишда (бевосита ёки вақийликлар орқали) халқнинг иштирокини таъминловчи демократик давлат сифатида изоҳлайдилар [24].

Фикримизча, “ҳуқуқий давлат” тушунчасини “ҳозирги замон ҳуқуқий давлати” ёки бошқача турли ёндошувлар асосида ҳар хил номлаш олимларнинг субъектив ёндошуви бўлиб, “ҳуқуқий давлат” тушунчасининг асл мазмунига бевосита таъсир кўрсатмайди.

Чунки, ҳуқуқий давлат тушунчаси XIX асрда пайдо бўлиб, ўтган давр мобайнида бир неча аср вақт ўтишига қарамасдан жаҳон юридик фанида бошқа турли номлар билан (масалан, “янги давр ҳуқуқий давлати”, “революциядан кейинги ҳуқуқий давлат” ва б.) ўзгармасдан келмоқда.

Профессор Х.Т.Одилқориев ҳуқуқий давлатга ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимиятлар ваколатларининг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик давлат сифатида таъриф беради [25].

Миллий ҳуқуқшунос олимлар А.Саидов ва А.Тожихоновлар ҳуқуқий давлатни ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва қонуннинг устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар иши самарали бўлган ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлат сифатида тарифлайдилар [26].

Бирок, айнан қайси мезонларга кўра юқоридаги белгилар асосида ҳуқуқий давлатга таъриф беришларига аниқлик киритмайдилар.

Айрим миллий ҳуқуқшунос олимларнинг асарларини таҳлил қилар эканмиз уларда ҳуқуқий давлат тушунчаси борасида айнан бир хил ёндашув учрашини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жумладан, миллий олимлар Н.Сабуров ва Ш.Сайдуллаевлар ҳуқуқий давлатга ҳуқуқий асосда ташкил топадиган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқ устуворлик қиладиган давлат сифатида изоҳ берадилар [27].

Ўз навбатида ҳуқуқий давлат тушунчасига юқорида келтирилган таъриф бошқа айрим миллий олимларнинг асарларида ҳам айнан учрайди [28].

Юқоридаги таърифни таҳлил қилар эканмиз унда айрим ноаниқ ва ечими келтирилмаган масалалар юзага чиқишини таъкидлаш жоиз. Хусусан, давлатнинг ҳуқуқий асосда ташкил топиши деганда нима назарда тутилаётганлиги мавҳум бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқ устуворлик қилиши назарда тутилаётганлиги ҳам мавҳум бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, амалдаги Конституция ва қонунларда ҳам турли жабҳалардаги инсон ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, бунда барча соҳалардаги ҳуқуқларга устуворлик берилиши ҳам бошқа шахслар ёки қатламлар ҳуқуқларининг поймол бўлишига олиб келиши мумкин.

Қайд этилганлардан гувоҳ бўлганимиздек, нафақат хорижий балки, миллий ҳуқуқшунос олимларимизда ҳам ҳуқуқий давлатни тушунишда хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, бунда турли мезонлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий давлат тушунчасини изоҳлаш жарёни давом этиб келмоқда.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. <https://lex.uz/docs/6445145> (Constitution of the Republic of Uzbekistan. It was adopted by popular vote in the referendum of the Republic of Uzbekistan held on April 30, 2023.)
2. Конституция Республики Польши. <https://legalns.com/download/books/cons/poland.pdf> (Constitution Republic of Poland.)
3. Конституция Королевства Испании. <https://legalns.com/download/books/cons/spain.pdf> (Constitution of the Kingdom of Spain)
4. Конституция Китайской Народной Республики. <https://docs.google.com/viewerng/viewer?url=http://legalns.com/download/books/cons/china.pdf> (Constitution of the Chinese People's Republic.)
5. Конституция Латвийской Республики. <https://legalns.com/download/books/cons/latvia.pdf> (Constitution of the Republic of Latvia)
6. Ш.Мирзиёев Бетакрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир. <https://president.uz/uz/lists/view/5272> (Sh.

Mirziyoev Ensuring a stable society and sustainable development in our unique country is the main goal of all of us.)

7. В. Лезьер, А.В. Суманев Идеи Платона и их рецепция правоохранительной практикой. Юридическая наука и правоохранительная практика 1 (31) 2015. <https://cyberleninka.ru/article/n/idei-platona-i-ih-retseptsiya-pravoohranitelnoy-praktikoy> (V. Lezier, A.V. Sumanev Plato's ideas and their reception by law enforcement practice. Legal science and law enforcement practice 1 (31) 2015.)

8. В.В.Оглезнев Аристотель и Харт о неопределенности права. /ΣΧΟΛΗ Vol. 14. 1 (2020). <https://cyberleninka.ru/article/n/aristotel-i-hart-o-neopredelennosti-prava> (V.V. Ogleznev Aristotle and Hart on the uncertainty of law. /ΣΧΟΛΗ Vol. 14.1 (2020)

9. И.Д. Дубрава Учения Цицерона о государстве и праве. <https://cyberleninka.ru/article/n/ucheniya-tsitserona-o-gosudarstve-i-prave> (I.D. Dubrava Cicero's teachings on state and law.)

10. Основы правового государства: учебное пособие / Е. Г. Шаблова, С. В. Бендюрина, О. В. Жевняк, Н. А. Жумаканова, Л. И. Филющенко; под общ. ред. Е. Г. Шабловой; Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2022. – 36 с. https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/118867/1/978-5-7996-3464-3_2022.pdf (Fundamentals of the rule of law: textbook / E. G. Shablova, S. V. Bendyurina, O. V. Zhevnyak, N. A. Zhumakanova, L. I. Filyushchenko; under general ed. E. G. Shablova; Ministry of Science and Higher Education of the Russian Federation, Ural Federal University. – Ekaterinburg: Ural Publishing House. University, 2022. – 36 p.)

11. Дробязко, С.Г. Социальное правовое государство и государство вообще (к вопросу об определении) / С.Г. Дробязко // Веснік Беларус. дзярж. ун-та. – 1996. – Сер. 3. – № 2. – С. 45–48. https://law.bsu.by/pub/31/Drobyazko_29.pdf (Drobyazko, S.G. Social legal state and the state in general (on the issue of definition) / S.G. Drobyazko // Vesnik Belarus. dzyarzh. un-ta. – 1996. – Ser. 3. – No. 2. – P. 45–48.)

12. Д. К. Ярославцева, А. М. Гальцова Возникновение и развитие учения о правовом государстве. Вестник гуманитарного образования, №1, 2017 г. – С. 96-101. https://elibrary.ru/download/elibrary_29998748_57463357.pdf (D. K. Yaroslavtseva, A. M. Galtsova The emergence and development of the doctrine of the rule of law. Bulletin of Humanitarian Education, No. 1, 2017 – pp. 96-101.)

13. Основы правового государства: учебное пособие / Е. Г. Шаблова, С. В. Бендюрина, О. В. Жевняк, Н. А. Жумаканова, Л. И. Филющенко; под общ. ред. Е. Г. Шабловой; Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2022. – 383 с. https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/118867/1/978-5-7996-3464-3_2022.pdf (Fundamentals of the rule of law: textbook / E. G. Shablova, S. V. Bendyurina, O. V. Zhevnyak, N. A. Zhumakanova, L. I. Filyushchenko; under general ed. E. G. Shablova; Ministry of Science and Higher Education of the Russian Federation, Ural Federal University. – Ekaterinburg: Ural Publishing House. Univ., 2022. – 383 p.)

14. С.С. Пирожок Роберт фон Моль о социальной политике правового государства. Genesis: исторические исследования, 2018-2. <https://cyberleninka.ru/article/n/robert-fon-mol-o-sotsialnoy-politike-pravovogo-gosudarstva/pdf> (S.S. Pie Robert von Mohl on the social policy of the rule of law. Genesis: Historical Studies, 2018-2.)

15. Талянин В.В., Дмитриев В.К. Возникновение «образа» правового государства в политической мысли Средневековья и Возрождения // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2014. - № 1 (16). – С. 16- 29. (Talyanin V.V., Dmitriev V.K. The emergence of the “image” of the rule of law in the political thought of the Middle Ages and the Renaissance // Bulletin of the St. Petersburg University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. – 2014. - No. 1 (16). – P. 16-29.)

16. Морозова Г.А., Зимин В.А. Правовое государство: основные признаки, черты, проблемы. № 4 (23), 2012 г. – С. 121-128. <https://elibrary.ru/item.asp?id=18786631> (Morozova G.A., Zimin V.A. Rule of law: main features, features, problems. No. 4 (23), 2012 – pp. 121-128.)
17. Малько А.В. Правовое государство. Саратовская государственная юридическая академия. № 3 (218), 1997 г., - С. 137-146. (Malko A.V. Constitutional state. Saratov State Law Academy. No. 3 (218), 1997, pp. 137-146.)
18. Пастухов М. И., Женарь Д. М. Правовое государство как новый тип государства: пути его построения в Беларуси // Сацыяльна-эканамічныя і прававыя даследаванні. 2021. № 3 (65). С. 50. (Pastukhov M.I., Zhenar D.M. The rule of law as a new type of state: ways of its construction in Belarus // Satsyalna-ekanamichnaya i pravovaya dasledavanni. 2021. No. 3 (65). P. 50.)
19. Миронов Д.Н. Правовое государства: происхождение идеи и признаки правового государства. Вестник Бурятского Университета. 2 (1) 2015. (Mironov D.N. Rule of law: origin of the idea and signs of the rule of law. Bulletin of Buryat University. 2 (1) 2015)
20. А. А. Кондрашев Идея правового государства в России: конституционная мифология и правовая реальность. Исследование российской государственности. № 3 (124) март 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/ideya-pravovogo-gosudarstva-v-rossii-konstitutsionnaya-mifologiya-i-pravovaya-realnost> (A. A. Kondrashev The idea of a rule of law in Russia: constitutional mythology and legal reality. Study of Russian statehood. No. 3 (124) March 2017.)
21. Самсонова О. В. Правовое государство: сущность и понятие // Lex Russica. 2008. № 1. С. 178. (Samsonova O. V. Rule of law: essence and concept // Lex Russica. 2008. No. 1. P. 178.)
22. Леонид Мамут. Правовое государство: идеологема и современные конституционные тексты. Сравнительное Конституционное Обозрение. 2011 г. №2 (81). <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-gosudarstvo-ideologema-i-sovremennye-konstitutsionnye-teksty> (Leonid Mamut. Rule of law: ideologeme and modern constitutional texts. Comparative Constitutional Review. 2011 No. 2 (81).)
23. Гаджиев К.С. Политическая наука. М.: Наука, 1995. – С. 195. (Gadzhiev K.S. Political Science. M.: Nauka, 1995. – P. 195.)
24. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: “Шарқ”, 2009 й. – Б. 549-550. <https://drive.google.com/file/d/1uK6MhNfNcSVOUxGNyUklmgYw90DTNNzw/view> (Theory of state and law: Textbook. Kh.T. Odilkoriev, I.T. Tulteev and others; Under the editorship of Kh.T. Odilkoriev. - Tashkent.: "Sharq", 2009. - B. 549-550.)
25. Х.Т.Одилқориев Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент, “Адолат”, 2018. – 511 б. (H.T. Odilkoriev Theory of State and Law. Textbook. - Tashkent, "Adolat", 2018. - 511 p.)
26. А.Саидов, У.Тожиқонов Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 1-жилд. Давлат назарияси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001 й. – 262-263 б. (A.Saidov, U.Tajikhonov Theory of state and law: Two volumes. Volume 1. State theory. Academy of Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2001. - p. 262-263.)
27. Ш.Сайдуллаев Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018 й, - 212 б. (Sh. Saidullaev Theory of State and Law. Textbook. - Tashkent: TDUU, 2018, - 212 p.)
28. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик / Р. Юсувалиева, М. Ахмедшаева, М. Нажимов ва бошқалар. Масъул муҳаррир Р. Юсувалиева. - Т.: ЖИДУ, 2019. - 298 б. (Theory of state and law. Textbook / R. Yusvalieva, M. Ahmedshaeva, M. Najimov and others. Responsible editor R. Yusvalieva. - T.: JIDU, 2019. - 298 p.)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000